

Фикҳ дарслари (116-дарс). Махси ва тахтакачга масҳ тортиш ва синдирувчилари (биринчи мақола)



13:00 / 24.12.2020 4186

وَوَهُوَ - هُوَ رَفَوُ الْجَسْعِ لَعَلَّ نَمَّ نَوْدُ ثَدْحُ مَلَلُ زُجَّاجِ نِيْفُ خُلَّ لِيْلَعِ حُسْمِ لِي
قِاسِ لِي لَفَسَا يِفِ دِي لِي لِعِ اَبِ اَصَاةِ اَلْثُرَاذِقُم - طُوْطُخِ

رَفَسِ لِي اَوْبُ نِ كُمِّي وَبَعِ كَلِّ اُرْتَسِي اَمَلْ كُو نِي قُوْمُ رُجَّالِ لِي لَعِ زُوْجِي وَ

اِرِّي بَجَّالِ يِفِ اَلِ اِثْ دَخَلِ اَتَّقُوْ مَاتِ رُهْطِ لِي لَعِ نِي سُوْبِ لِمِ اَمُهُ نَوَكِ طُرْشَوِ
يُرْبُ نَعِ اَلِ اِهْطُوْ قُسَبِ سَابِ اَلِ

اَلْاِيْلَوِ مُوِي مِي قُوْمِ لِي لَعِ تَدْمُو يِهْ اَلِ لِي لَعِ رِي غُرْتِ اَسِ حُسْمِي اَلِ
اِثْ دَخَلِ اَتَّقُوْ نَمُّ اَلْثُرَاذِقُم رِفِ اَسْمِ لِي لَوِ

Махсига масҳ тортиш кичик бетаҳорат кишига жоиздир. Фусл вожиб бўлган одамга эмас. Унинг фарзи болдирдан пастга қўлнинг уч бармоғи миқдоридан чизиқ тортишдир. Уни икки чориққа ва тўпиқни тўсувчи ҳамда сафар қилишга ярайдиган нарсага тортиш жоиздир. Бунда бетаҳоратлик етишидан аввал иккиси тўлиқ таҳорат ила кийилган бўлиши шарт.

Бу шарт тахтакачга қўйилмайди. Тахтакач тушиб кетса, ҳечқиси йўқ. Аммо тузалиб тушса, бундан мустасно. Оёқни тўсиб турувчи

нарсадан бошқа фақат тахтакачгагина масҳ тортилади. Масҳнинг муддати бетаҳоратлик етганидан бошлаб муқимга бир кечаю бир кундуз. Мусофирга уч кечаю уч кундуз.

Махсига тортилган масҳнинг синдирувчилари

قَالَ لِيَلِ بِقَعْلٍ رَثْكَ أَجْزُورُ وَءَدْمَلْ أَيْضُ مَوْءُضُ وُلْضِقَانُ هُضِقَانُ وَ
هُنْمُ وَذَبِي قَرْخُ هُنْمُ وَيَوْمَ طَقَفَ هَيْلُ جِرْجِرُ لَسَعُ بَحِي نِي زَمَالِ نِي دَمَ دَحْ أَدْعَبُ وَ
نِي فُخَّ أَلْفُخُّ قُوْرُ عُمُجِي وَ. أَوْرَعُ صَأْلُ جِرْلِ عِبَاصُ أَلْثُ رُذَقُ

أَمْهَدُ عَبُ وَرِيحُ أَلْ رَبْتُ عِي هَلَيْ لَوِ مَوِي لَبَقُ وَسُكَّ عَ وَمِي قُمُ لِرَفَسُ يَفُ وَ
عُزْنِي

Унинг синдирувчиси:

1. Таҳоратни синдирувчи нарсалар;
2. Муддатнинг чиқиши;
3. Товоннинг кўпи қўнжигга чиқишидир. Икки(иккинчи ва учинчи) нарсадан кейин фақат икки оёқни ювиш вожиб бўлади.

Масҳни пойабзалдан оёқнинг кичкина бармоқларидан учтаси кўринадиган миқдордаги йиртиқ ман қилади. Бир пой махсидаги йиртиқлар жамланади, икки пойиники эмас.

Бир кеча-кундуздан аввал муқим сафар қилганда ёки аксинча (мусофир муқим) бўлганда, охиргиси эътиборга олинади. Бу икки ҳолатдан кейин ечилади.

Махси – маълум ва машҳур оёқ кийими. У оёқни тўпиғидан юқорисигача яхшилаб беркитиб туради. Совуқдан ва турли нопокликлардан сақлайди. «Махси» деб номланмаса ҳам, унинг мазкур сифатларига эга бўлган оёқ кийимлари махси ҳукмида бўлади.

Ҳар таҳоратда бу оёқ кийимни ечиб, оёқни ювиш машаққат туғдиргани учун, тўлиқ таҳорат билан кийилган махси унинг ичидаги оёқни пок сақлашини эътиборга олиб, шариатимизда махсига масҳ тортишга рухсат берилган.

Лекин баъзи кишилар бу рухсатни тўғри тушунмаганлар. Улар: «Бир вақтлар махсига масҳ тортиш бўлган, аммо Моида сурасидаги таҳорат

Масҳ ҳақида келган ривоятлар мутавотир даражасига етай деб қолган. Қирқта ҳадисда масҳ тортиш борлиги айтилган. Имоми Аъзам раҳматуллоҳи алайҳи: «Масҳ ҳақидаги ривоятлар қуёшдан ҳам равшан бўлгани учун мен бу ҳукми олганман. Ким масҳни жоиз эмас, деса, унинг куфрга кетишидан қўрқаман», деганлар.

(Давоми бор)

«Кифоя» китобидан